



# Ishonch

**ШОХИЯТ**  
**Азми қатъий,**  
**тадбиркор,**  
**хушёр, мард**  
**ва шижоатли**  
**бир киши**  
**мингта тад-**  
**бирсиз ва ло-**  
**қайд кишидан**  
**афзалдир.**  
 Амир ТЕМУР

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



**Ш**аҳар кўрғига кўрк қўшиб турган бу мухташам саройда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, жисмоний чинқишларига кўмаклашиш, касб-хунар ўрганишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Марказда жойлашган маҳорат мактабида ёшлар «Архитектура ва дизайн», «Баҳс ва мунозара», «Уста ва шогирд», «Хорижий тиллар», «Ёш журналистлар», «Миллий чолгу асбоблари», «Ижтимоий лойиҳалар», «Компютер саводхонлиги», «Фотохаваскорлик» каби ўн олти йўналишдаги тўғрақларда, шунингдек, «Ёш тадбиркорлар», «Бунёдкор ёшлар» сингари клубларда ўз билимларини бойитиш, истеъодларини намоян этиш, танлаган йўналишлари бўйича янгиликлардан хабардор бўлиб бориш имкониятига эга. Шунингдек, 400 ўринли томоша зали, 50 ўринли конференция зали маданий, маънавий-маърифий тадбирлар, киносеанслар ўтказишга мўлжалланган.

Суратларда: Ёшлар маркази; Наманган санъат коллежи ўқувчиси Толибжон Мансуров.  
 Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

## ЁШЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Наманган шаҳрида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди



## Янги Кун янгиликлари

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти вакиллиги масъуллари яна бир эзгу ишга қўл урдилар. Меҳрга муҳтож ногирон болаларга 15 та пойндоз, бир қанча иссиқ кийим-кечак совға қилинди.

## Касаба уюшма ёрдами

— Хайрли ва савоб ишларни амалга ошириш ҳамisha эътиборимизда, — дейди Марказий кенгашнинг вилояти вакили Са-мих Муҳиддинов. — Бундай тадбирлар тармоғимиздаги барча бош-ланғич ташкилотларда намунали олиб борилаёпти. Чунончи, «Узне-фтгазкудуктамирлаш», «Бухоронетгазпармалаш», «Ўзпартампо-наж» очик акциядорлик жамиятларида Қўрбон ҳайити муносабати билан якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, меҳнат фахрийлари ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,  
 «Ishonch» мухбири

## Талабалар ҳузурида

Анджон вилояти адлия бошқармаси, Олтинқул тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, ФХД бўлими, «Камолот» ЁИХ кенгаши ҳамкорлигида «Конституцияни ўрганишимиз» мавзусида ҳуқуқий-маърифий тадбир ўтказилди.

## Талабалар ҳузурида

Туман маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда коллеж тала-балари иштирок этди. Бош қомусимиз халқимизнинг хоҳиш-иро-дасини ифодалаб, ҳуқуқий жамият ва эркин ҳаёт қуриши кўзал экан, уни турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлантириш, ҳуқуқ ва бурчимиз хусусида қизгин фикрлар билдиришди.

Тадбир сўнгиде маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан тайёрланган бадийий дастур намойиш этилди.

Абдулхай ЮНУСОВ,  
 «Ishonch» мухбири

## Иш билан таъминланди

Ярмаркаларда 3688 нафар ишсиз рўйхатга олиниб, улардан 2756 нафари ўзига мос иш ўрнини топган. Тумандаги 14 та кор-хонада ташкил этилган 207 та касаначилик иш ўрнининг 132 тасига уй бекалари жалб этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
 «Ishonch» мухбири

## Эркинлик кафолати

Унда пойтахт касаба уюшма фаоллари, корхона ҳамда ташки-лотларнинг раҳбарлари, талабалар иштирок этишди. Республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, Ўзбекистон Фанлар Академияси Фал-сафа ва ҳуқуқ институти директори Рустам Рўзиев, Олий Мах-лис Қонунчилик палатаси депутат Абдуқамол Раҳмонов ва бошқалар маъруза қилдилар.

Улугбек ПУЛАТОВ

## Эзгу ишлар давоми

Ҳар сафар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўлга олиб, ўқий бошлаганимизда миллатимизга хос бағрикенглик ва меҳр-муҳаббат тафтини сезгандай бўламиз. Конституцияимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари сирасига кирувчи 11 та моддаси-да инсон манфаатлари — олий қадрият даражасига кўтарилиганидан беихтиёр юракларда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Масалан, 41-моддада қайд этилган «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» мазмунидеги битиклар мамлакатимизда ёшлар истиқболига бўлган юксак эътибордир. Бунда нафақат таълим ва фан ходимлари, балки кенг жамоатчи-лик зиммасига ҳам залворли вазифалар юкланганлигини кўриш мумкин.

Ушбу вазифалар улкан ютуқларга эришишимизда за-мин ҳозирлади. Жумладан, Давлатимиз раҳбари Ўзбекис-тон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-нинг 18 йиллигига бағишланган тантанали ма-росимдаги маърузасида таъкидлаганидек, Кадр-лар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таъли-мини ривожлантириш давлат умумийлиги да-стурининг амалга оширилиши натижасида 1536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1800 дан ортик спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этил-ди ва капитал реконструкция қилинди. Бундай кенг кўламли ислохотлар самараси-ни жойларда ҳам кўришимиз мумкин. Тумани-мизда учинчи минг йиллик болаларининг ҳар томонлама камол топиши йўлида 4924 нафар ўқувчи ва 2316 нафар хизматчилар елкама-елка туриб меҳнат қилишмоқда. Аъзоларимиз 71 та бошланғич ташкилот, 54 та цехга бирлашиб, соҳа ишини оёқга тургазиш, ходимлар манфа-атини ҳимоя қилишга бел боғлашган. Президентимиз 2011 йилни «Кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик йили» деб номлади. Бу мамлакатимизни янада ривожлантириш, аҳоли-ни иш билан таъминлашдек эзгу ният билан олиб борилаётган ислохотларнинг бевосита да-воми дейиш мумкин. Негаки, Юртбошимиз ю-қоридеги маърузасида қайд этганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарор-ликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни та-раққиёт йўлида фаол ҳаракатлантирадиган куч-га айланиб бормоқда. Ушбу ўзгаришлар, шубҳасиз, тармоқ ходим-лари орасида ижтимоий шерикчиликни ҳимоя қилиш, меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлашга эри-шиш, меҳнат муҳофазасини таъминлашга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шунинг-дек, касаба уюшма фаоллари ўқувчи-ходим-лар ва оила аъзолари саломатлигини таъмин-лаш, фарзандларининг ёзги мавсумида оромго-ларда кўнглили дам олишларига ҳам катта эътибор қаратган.

Тўлқин ҚҮЛДОШЕВ,  
 Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нарпай туман кенгаши раиси

## Муносабат

## Эртамиз эгалари

Президентимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ барка-мол авлодни воёга етказишга бугун мамлакат эътиборини қарат-иб келмоқда. Буни биргина ақунлаётган Баркамол авлод йилида амалга оширилган кенг кўламли ишларда ҳам кўриш мумкин.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури до-ирасида биргина вилоятимизда улкан ишлар амалга оширилиб, соғлом фарзандларни дунёга келтириш мақ-садида «Она ва бола скрининг маркази» ҳамда перинатал мар-казлар фаолиятини бошлади. Гимнастика федерацияси таш-кил этилиб, бугун унинг бағри ушбу нафис спорт турига иш-тиёки банд қизалоқлар билан тўлиб-тошган. Ёшларимиз-нинг спортда эришаётган ютуқлари Президентимиз томони-дан ҳам қувонч билан таъкидланганлиги бежиз эмас. Яқинда Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида вилоятимиз вакиллари 1 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритишди.

Бу ҳаммаси эмас. Артур Таймасов, Вадим Менков, Ришод Собиров каби чемпионларимизга ҳавас қилиб, спортга кириб келаётган болаларимизни сағи кенгаймоқда. Уларни бўлғуси жаҳон чемпионлари деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Кўзларида ёнаётган шижоат, ватанпарварлик руҳида ураётган жажжи юраклари бунга исбот бўла олади.

Мархабо МАМАТКАРИМОВА,  
 «Келажак овози» кўрик-танловининг Сирдарё вилояти бошқиси голиби

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида гапирилган эди

## Тараққиёт омили: мукамал қонун баркамол инсон

Амалдаги Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябр кунни қабул қилинган. Жиноят кодекси дейил-са-да, аслида, жиноят учун жазо кодексидир. Шу кунга қадар унга жами 47 та қонун билан қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Тахририятга келаятган хатлардан маълумки, буларнинг айримларидан баъзи мутахассислар беҳабар қолмоқда. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимининг етуқлик кўрсаткичи эканлигини ҳис этган ҳолда маъруза қонунчилик киритилган янгиликларнинг муҳимлигини соддароқ ва эркинроқ усулда таъкидлашни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик па-латаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президент Ислам Каримов «Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маъ-рузасида жиноий-ҳуқуқий соҳа-даги сиёсатни такомиллашти-ришда жиноят ва жиноят-про-цессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсон-парварлик тамойилларига му-вофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланганлигини таъкидлагани бежиз эмас. Му-стақиллик йилларида жиноят қонунчилигига киритилган ўз-гаришларни қузатсак ҳам бу гапларнинг нақадар ҳаққоний-

лигига гувоҳ бўламиз. Қонун барқарорлиги билан аҳамиятли бўлса-да, ҳаётнинг шиддатли ўзгариши унга ҳам ту-затиш киритишни тақозо этади. 1996 йил 30 августда илк бор Ўзбекистон Республикаси Жи-ноят кодексининг 246-моддаси (контрабанда) тавсиф қисмлари билан тўлдирилди. Шу йилнинг 27 декабр кунидеги қонун би-лан 48-моддаси (қамқоннинг ик-кинчи қисми чиқариб ташланди, 50-модданинг тўртинчи ва бе-шинчи, 72-модданинг еттинчи қисмлари янги тахрирда баён этилди, 80-модда тўртинчи қисм билан тўлдирилди, 82-83-84-моддалардан айрим сўзлар чи-қариб ташланди, 168-модда (фирибгарлик)да белгиланган жазолар кучайтирилди. 248-

очик-ойдин талон-торож қилиш деб қўйилди.

1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилот-лар тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрири қабул қилинди. Унинг мақсади ҳар бир шахс-нинг виждон эркинлиги ва ди-ний эътиқод ҳуқуқини, динга му-носабатидан қатъи назар, фу-қароларнинг тенглигини таъ-минлаш, шунингдек, диний таш-килотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартиб-га солишдан иборат. Зеро, Кон-ституцияимизнинг 31-моддасига мувофиқ, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эъти-қод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашлар-ни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. 1998 йил 1 майда-да қонун билан 145-модда (виж-дон эркинлигини бузиш)нинг ик-кинчи қисми янги иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаш-тирилди.

(Давоми 2-бетда)

## Сухбат

## Журналистлик — масъулият, истеъдод ва қобилият мужассамлашувидир



дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети декани, филология фанлари доктори, профессор **Насимхон РАХМОНОВ**

— Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доира-сида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масала-си мавзусида тўхталиб ўтди. Сухбатимизни шу мавзудан бошлашам.

— Юртбошимизнинг мамлакатимиз қўлга ки-ритган кўп қабил ютуқлар қаторида, ахборот соҳа-сини ислох қилиш ҳамда ахборот ва сўз эркин-лигини таъминлаш борасидаги фикрлари соҳа йўналишида тамомла янги босқични бошлаб берди. Бош Қомусимизнинг ўн саккиз йиллиги-ни нишонлаш арафасида юз берган бу тарихий воқеа жамми оммавий ахборот воситалари хо-димларига, шунга алоқадор олим талабаларга кўтаринки руҳ бағишлади. Президентимиз Ислам Каримов фуқароларнинг

сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги амалий иштироки ҳақда сўз юритар экан, ахборот эркинлигини таъ-минлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва эркинлиги, содир бўлаётган во-қеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришдан туриб, кўзланган мақ-садга эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлади. Президентимиз тақлиф этаётган фикрлар, бирин-чидан, соҳадаги қонунларни янада такомиллашти-ришни, тараққиётни ҳисобга олган ҳолда оммавий ахборот воситаларини тобора халққа яқинлашти-ришни, иккинчидан, қонун устуворлигини теран англаб, демократик ислохотларни янада чуқурлашти-риш кераклигини англаб етишга ундайди.

Фикр эркинлиги — фуқаролик жамиятининг туб моҳиятини ташкил этадиган омил. Концеп-цияда оммавий ахборот воситалари қонунчили-гини янада такомиллаштириш, жамоатчилик би-лан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқани янада кучайтириш талаб этилмоқдаки, бу соҳа олимлари, амалиётчилари олдида катта вазифаларни қўяди.

(Давоми 3-бетда)

Фарғона дан дараклар

Харидорбоп

Олтириқ туманида ташкил этилган «Фрамодатекстиль» корхонасида пахта хом ашёсидан ип йиғириш ва бир йўла тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хитой ва Тайвандан келтирилган замонавий дастгоҳларда 50 нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. Корхона раҳбари Фарходжон Абдурахимовнинг айтишича, бу ерда ишлаб чиқарилаётган болалар, аёллар ва эркаклар ички кийимларига талаб катта.

Кооперацион ҳамкорлик

Фарғонадаги лак-бўёқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фаранткор» хусусий корхонаси довури анча оқилларда ҳам эшитилмоқда.

— Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи билан кооперацион алоқаларни ўрнатганимиз, — дейди корхона раҳбари Абдуқодир Юнусов. — Натижада, лак-бўёқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизда импорт ўрнини босувчи, шу билан бирга экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотлар тури кўпаймоқда.

Кўқон чирой очади

Кўқон шаҳрида янги лойиҳалар асосида замонавий йўллар, архитектура талабларига жавоб берадиган бинолар барпо этиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

Айниқса, Туркистон кўчасида ибратта молик ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, электр тармоқлари корхонаси томонидан 1500 метр кабел ётқизилган бўлса, «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси 1700 метр оқова сув тармоғи ўрнатди.

Чархий кўчасида ҳам турар-жой бинолари пардозланиб, кўркам ҳолга келтирилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ўтабди

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб Маҳалла институтига, яъни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келиняпти.

Маҳалла фуқароларнинг орзу-истакларини ифодалайди

1992 йил 12 сентябрда Президентимизнинг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

кўллаб-қувватлашдан иборат эди. 2004 йил 29 апрелда эса Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оксқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

лий матбуот маркази ҳамкорликда ўтказган «Конституция — маҳалла институтини фаолиятини ташкил этишнинг бош ҳуқуқий асоси» мавзусидаги матбуот анжуманида оқорисидаги масалалар атрофида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Президентимиз Исрол Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, шу жумладан, ўзини-ўзи бошқариш органларини янада такомиллаштириш юзасидан ҳали кўп иш қилишимиз керак, — деди биз билан суҳбатда Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Шерзод Зулфиқоров, — Ишонманки, бундай очик мулоқотлар, албатта, қутилган натижани беради.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Сирдарё томонларда

Модернизация самараси

«Ховосдонмаҳсулотлари» акционерлик жамияти корхонаси ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ва модернизация ишларига катта эътибор қаратмоқда.

Яқинда 517 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун йўналтирилди. Ушбу маблағ ҳисобидан кам харажат талаб этиладиган ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар ўрнатилди.

Сифат гарови

Бугун Сирдарё вилоятида 38 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Янгиер шаҳридаги «Мос Ян Текс» улар сафидаги илгор санат корхоналаридан саналади.

Қўшма корхонада катталар ва болаларга мўлжалланган турли хил трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, қўшма корхона 2008 йилда Россия давлатига 488 минг АҚШ доллари миқдорида трикотаж маҳсулотларини экспорт қилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 716 минг долларни ташкил этди.

— Корхонада 3 та янги линияни ишга тушириб, қўшимча 25 та янги иш ўрнини яратдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Акрам Ҳайдаров. — Ҳозирги кунда жамоамизда 100 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар иш билан банд. Корхонамиз шаҳардаги касб-хуна колледжларини таъминлаган йилги-қизлар ҳисобига йилдан-йилга кенгайиб борапти.

Янги иш ўринлари

Тижорат банклари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратилаётгани сабабли, кредитлар мақсади сарфланиб, янгидан-янги иш ўринлари барпо этилмоқда.

Боёвут туманидаги «Боёвут-Бунёдкор» МЧЖ «Асакабанк» вилоят бўлимида 411 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиб, гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада, корхонада 30 та иш ўрни яратилди. Янгиер шаҳридаги «Самандар Севинч Сервис» хусусий корхонаси эса «Агробанк»нинг шаҳар филиалидан 100 млн. сўм кредит олиб, гушт ва суг маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйди.

Иллинг ўтган даврида вилоятдаги тижорат банклари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 57 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Шу каби молиявий қўллаб-қувватлашлар ўз самарасини бермоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

«Йил аёли—2010»

Фаол аёллар кўриги

Самарқандда «Йил аёли—2010» миллий танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан аъъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танлов хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашга, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган аёлларнинг ўз иқтидори ва имкониятларини тўла намоён этиши учун кўмаклашишга хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилоятида бу йил танловнинг куйи босқичларида тўрт минг нафарга яқин аёл қатнашди. Улар орасидан сараланган 16 иштирокчи вилоят босқичида бекалик маҳоратини, ижодий салоҳиятини ва иш фаолиятидаги ютуқларини кўргазмалли чиқишлар орқали намойиш этди.

Танлов якунига кўра, Каттакўрғон шаҳридаги «Зебо» машиши хизмат кўрсатиш мажмуаси раҳбари Файзинисо Шукурова республика босқичига йўлланма олди.

Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш учун жазо белгиланганилиги эътиборлидир. Шу қонунга кўра, ЖК 244-1-модда, 1999 йил 15 апрелдан 244-2-модда билан тўлдирилди.

Хуллас, таъкидланган жамоат ташкилотлари тўзиш, бундай ташкилотларга қатнашишга ундаш, жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тарқатиш, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузганлик учун жазо белгиланди.

Ушбу йиласанг, ушбу модданинг аҳамиятини теранроқ тушунасан. Зеро, бейбў — парвардигор.

Вояга етмай туриб, ижтимоий ҳафиз катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озоликдан маҳрум қилиш тарикасидаги ўлим жазоси факат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), агрессия (151-модданинг иккинчи қисми), геноцид (153-модда), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

2003 йил 12 декабрдаги қонун билан «отиб ўлдириш тарикасидаги ўлим жазоси факат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади».

ҳамда олтимиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озоликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тараққиёт омили: мукаммал қонун баркамол инсон

«Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва уларни ўқитишга қарши кураш тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияларга мувофиқ ўзгаришлар киритилди.

1998 йил 29 август кунин қабул қилинган қонунга кўра, 51-модддан 5 та жиноят бўйича ўлим жазоси чиқариб ташланган эди.

2001 йил 29 августда либераллаштириш муносабати билан «Отиб ўлдириш тарикасидаги ўлим жазоси факат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми), агрессия (151-модданинг иккинчи қисми), геноцид (153-модда), терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади».

йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишдир.

Қатор моддаларга етказилган моддий зарар уч қарра миқдорида қопланган тақдирда қамоқ ва озоликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлла-нилмастанги кўрсатилди. Ушбу қонда кейинчалик яна кенгайтирилди.

53-модда (мол-мулкни мусодара қилиш) чиқариб ташланди. Чунки қанча-қанча кишилар содир қилган жиноятга дахли бўлмаган бойлигидан ажрали-қоларди.

Маъмулки, Конституциямизга кўра, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари тан олинди. 2001-2003 йилларда ЖКнинг 153-154-моддаларига «Геноцид жиноятларининг олдини олиш, бундай жиноятлар учун жазо», «Халқаро қуроли моҳаролар қўрбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли» ва

чораси бўлиб, маҳумни махсус тартиб-ли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озоликдан маҳрум қилиш жазоси факат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озоликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлма-сдан жиноят содир этган шахсга ва ол-миш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинлангани мумкин эмас. Бу бизнинг миллий қарарликимиз, давлатимизнинг инсонпарварлик сийбати натижасидир.

ЖКнинг 66-1-моддаси (ярашув) мут-тасил кенгайиб борганлигини қайд эт-ган эдик. Аммо кейинги киритилган ўзгаришлардан бир банди ўзгармай қолди ва тўғри қилинди: «Оғир ёки ўта

Оқ ва қора, нур ва соя бўлгани каби мамлакатлар тараққий этгани сари янги жиноят турлари пайдо бўлди. 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши кура-риш тўғрисида» Қонун қабул қилин-ди. Мазкур қонун 2008 йил апрелда эълон қилинган ва шу кундан эътибор-дан қунага кирган эди. Шунга кўра «Одам савдосига қарши курашиш», «Одам сав-досига қарши курашиш», «Одам савдоси-га қарши курашиш» каби ҳуқуқий тушунчалар-нинг мазмунини очиб берилди. Бу жино-ят қонунчилигига ўзгариш киритишни талаб қилди. 2008 йил 16 сентябрда ЖКда янги тахрирдаги «Одам савдоси» дея аталган янги мазмундаги 135-мод-да вужудга келди. Одани олиш-сотилиш ёхуд одани ундан фойдаланиш мақ-садида ёллаш, ташвиш, топшириш, яши-риш ёки қабул қилиш учун жазо қўллаш таҳдиди баён қилинди.

Шунингдек, латент (яширин) жиноя-тига қаратилган, жинойий жазолана-диган ижтимоий ҳафли қилиш» экан-лиги таъкидланган эди. Шунга муво-фиқ, 2009 йил 22 сентябрда ЖКнинг 243-моддаси янги тахрирда баён этил-ди: «Жинойий фаолиятдан олинган дар-омадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағларига ёки бошқа мол-мулк) жинойий фаолият натижасида то-пилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка ай-лантириш ёхуд алмаштириш йўли бил-лан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усу-лини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қараш-лигини яшириш ёхуд сир сақлаш беш йилдан ўн йилгача озоликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Этилган бошни қилич кесмайди. Айбдор ўз қилимига чин қўнгилдан пушаймон бўлса, жазони оғирлашти-рувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, жазо муддати ёки миқдори тегишли мод-дада назарда тутилган энг кўп жазо-нинг учдан икки қисмидан ошмайди. Мазкур моддада бу қондангир ким-ларга нисбатан таъбиқ этилмаслиги ҳам аниқ кўрсатилган. 2010 йил 18 майда киритилган 57-1-моддада бу ҳақиқат ўз аксини топди.

Кунин кеча амалда пушаймон бўлиш туфайли жинойий жавобгарлик ёки жазодан озоод этишга доир нор-малар янада такомиллаштирилди.

Турли нақилдоқлар ўйнаб, соппа-соғ болалар ногирон бўлиб қолмоқда. Айрим мамлакатларда булар озоод қи-лишлар ҳалокатига сабаб бўлмоқда. 2010 йил 22 сентябрда «Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муома-ласи» деб номланган 250-1-модда киритилди. Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқа-риш, тайёрлаш, сақлаш, ташвиш, жўна-тиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Рес-публикага олиб кириш (олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шун-дай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланиладиган кейин содир этилган бўлса, жиноят бўлади.

Уйлаймики, бу қўллаб ноқуш ҳолат-ларнинг олдини олади. Ахир ЖКнинг биринчи вазифаси шахсни турли тақво-вулардан асраш бўлса, иккинчиси жин-оятнинг олдини олиш, фуқароларни қонунга ибрат этиш руҳида тарбияла-шдан иборатдир.

Довуд МАДЖЕВ, ҳуқуқшунос

Муқимий номидаги мусиқали драма театри биносиди Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касабта уюшмаси туман бирлашган кўмитаси томонидан Конституциянинг 18 йиллиги муносабати билан Баркамол авлод йилга бағишланган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида байрам тадбири ташкил этилди. Тадбир ҳаяжонли лаҳзаларга анча бой бўлди. Гарчи...

# Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

## Кўрик-танлов

ди. Ушбу тадбир ҳам бундан мустасно эмас. Энг кўп балл тўплаган «Баркамол авлод» ғуруҳига биринчи ўрин берилди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Сарварбек Маҳмудов тадбир якунида сўз олиб, йирилганларга бир хабарни эълон қилди: — Бугунги танловимизда қатнашган иштирокчиларимиз муносиб тақдирланади, албатта. Лекин мен ҳозир, шу залда бир буйруққа имзо чеқдим. Тадбиримизга файз киритган 24 иштирокчимизга зарур бўлган шарт-шароитни яратиб берганликлари, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганликлари учун ташаббускор мактаб раҳбарлари бир ойлик машо миқдорда мукофотланадиган бўлдилар.

Биз, одатда, йирик мусобақаларда ғалаба наҳидасини сурган спортчиларни алқаймиз, кўкларга кўтарамиз, лекин, кўпинча, уларни шу даражага етказган мураббийлар, ҳомийлар ҳаёдан кўтарилади. Яхшики, биз ушбу кўрик-танловда бунинг аксига, яъни ибратли томонига ғувоҳ бўлдик. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, ахир. Чунки, касбдан қатъи назар, бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Зайниддин РИХСИЕВ  
Суратларда: Кўрик-танловдан  
лавлалар.  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар



— Бундай кўрик-танлов туманимизда илк бор ўтказилиши, — дея бизни оғохлантирди бирлашган кўмита раиси Дилнора Улмасова тадбир бошланмасидан. — Биринчи тажриба. Шунинг учун ҳаддан зиёд юқори талаблар қўймаслигини эълон қилдим.

Лекин етакчининг истихолоси ўринсиз бўлиб қикди. Туман мактабларида фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган турли фан ўқитувчиларидан таркиб топган ва «Авлоний авлодлари», «Зиё» ҳамда «Баркамол авлод» ғуруҳлари бўлиб ҳолда баҳона киришган зўқоқлар ҳақиқатан ҳам ушбу тадбирга масъулият билан ёндашганликларини намойиш этишди. Бу дастлабки кўринишдаёқ кўзга ташланди.

Тасаввур қилинг-а, саҳнага олти-етти ёшли

болалар чиқиб келишди. Аввалда шаҳдам одимлаётган кичкинтойнинг қўлида мустақиллик рамзи — давлат байроғи. Болаларнинг ўзaro мулоқотини қозоғга тушириш эмас, яхши-си, жонли ижро асоси томирларда жунбушга келган шукӯх тўла, фахрифтхор туйғулар ила оддий бир томошабин сифатида кузатган афзал. Беихтиёр тўқилганиб кетасан киши. Ана, истиклол фарзанд-

лари! Озод ва обод юрт уларики!.. Айтиш жоизки, ҳар бир кўрик-танловда табиий ҳол сифатида кузатилгани каби баҳоланиши лозим бўлган шартларда ҳам ана шу кўтаринки ва айнаи пайтда чуқур мушоҳадага чорловчи руҳ сезилиб турди.

Айниқса, мамлакатимиз Бош қомусига оид саволларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгани сезилди. Аслида, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Жамиятнинг энг илғор ва ҳеч бир муболағасиз, юрт келажагини қўлидан тутиб, оидин ва тўғри йўлга олиб чиқиб қўйишдек масъулият зиммасига юкланган педагоглардан, гарчи улар анча ёш ва лозим даражада тажриба-малакага эга бўлмасалар ҳам, шу ва фақат шунгина кутилган эди. Улар бунини шараф билан оқлашди. «Баркамол ав-

лод» ғуруҳи аъзолари бир овоздан «Бизнинг широр: келажак — биз ёшларнинг қўлида» дея баралла овоз билан хитоб қилганда, ишлаб чиқариш ва бошқарув мурватларини аста-секинлик билан ўзлаштириб олаётган ёш авлоднинг орзу-интилишлари ва мақсадлари ўз ифодасини топгандек бўлди.

Лекин ҳеч нарсага осонлик билан эришилмайди, қолаверса, уни ҳимоя қила билиш ҳам лозим. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатлар чиппака чиқиши мумкин. Тарихнинг ўзи бунга ғувоҳ. Иккинчи шарт айнаи ана шу масалага қаратилган бўлиб, ғуруҳлар ўз жавоблари билан ҳар қандай таҳдид, тажовуз ва ёвуз ниётларнинг олдини олишнинг биринчи ва энг муҳим шарт, бу маънавий етуклик ва аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган энг буюк неъмат — қадриятларни кўз қорачигидек асраш ва унга ниш урилишига йўл қўймаслик учун фаол фуқаро, юртнинг жасур ва оқил фарзанди бўлиш кераклигини жонли саҳна кўринишларида талқин этиб бердилар.

Кўрик-танловда, табиийки, ҳам юмор, ҳам сатира жанрини ўзида муҳассам этган ҳаётий фаолият ва турмушда учраб турадиган ҳар хил, бир қарашда иқир-чиқирдек туюлган, амалда эса янада залворлироқ натижаларга эришимизга ҳалал бераётган қусурлар — бепарволик, боқибегамлик, ишни тўғри ташкил қила билмаслик, вақтдан унумли фойдаланишдаги нўноқликлар, касб-корга оид муаммоларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Ва ҳулоса ясалдики, ҳар ким ўз ишини қилсин, токи ҳар соҳада профессионал ёндашув сезилиб турсин. Бу эса кафолатланган муваффақият демакдир.

Яна бир гап. Кўрик-танлов шартларидан бири «Очқ дурс» деб номланган бўлиб, ҳай-

ат аъзоларининг эътироф этишича, у жуда қизиқарили ўтди. Бунинг шундан ҳам билиш мумкинки, 20-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Акмал Асатовнинг «Давлат ва ҳуқуқ асослари» («Авлоний авлодлари» ғуруҳидан), 324-мактабнинг маънавий ва маърифат бўйича раҳбар ўринбосари Маъсуд Жабборовнинг «Конституция оламига саёҳат» («Зиё» ғуруҳидан), 102-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Шарофиддин Ҳусниддиновнинг 9-синф ўқувчиларига ўтган очқ дурси бир хил баҳолангани эса айнаи адолатдан бўлди.

— Касбим нўқтай назаридан жуда кўп нарсаларни ўқиб-ўрганишимга, театр ва кинотеатрларда тез-тез бўлишимга тўғри келади, — дейди 20-мактаб ўқитувчиси Шоира Аскарובה. — Лекин яқин орада бугунгичалик маза қилмаган эдим. Биринчидан, психолог сифатида саҳна кўринишларида ўз ифодасини топган муаммолар ечим ҳақида мушоҳадалар уйғонган бўлса, иккинчидан, бу иштирокчиларнинг маҳорати билан бевосита боғлиқ ҳақиқатан ўз касбини севган кучли оқим — ёшлар ҳаётимизга сингиб бораётганини яна бир қарра ҳис қилдим.

Ҳар қандай кўрик-танловда голиблар номи эълон қилина-

борасида катта имкониятлар берди. Миллий журналистиканинг мазмунини ўзгарди, иқтидор, лаёқатга эътибор қаратиладиган бўлди. Биринчи навбатда, журналистика соҳасидаги ўқиш-ўқитиш ишлари қайта қўриб чиқилди, мутахассислик фанларига кўпроқ эътибор қаратилди. Иккинчидан, оммавий ахборот таҳририятлари билан мустақкам алоқалар ўрнаштирилиб, талабаларнинг амалиёт ўташи ва назарий билимларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиши учун кенг имкониятлар яратилди. Учунчидан, Ўзбекистон ҳуқуқоти «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури» ишлаб чиқилди. Бу дастур журналист кадрлар тайёрлаш янада яхшилаш борасида кўп ишларни амалга ошириш учун йўл очди. Дастур бўйича, факултет алоҳида бино билан таъминланиб, ўқув фотостудия, телестудия ва радиостудияларнинг замонавий жиҳозларига эътибор қаратилди. Умуман, бўлажак журналистларнинг ўқув билим олишлари учун етарли имконият яратилди.

Бўлажак журналистадаги истеъдод ва лаёқатга катта мақсадлар иштиёқи ҳам қўйилса, натижа кўнгилдагидай бўлади. Мақсадга эришиш учун эса интилиш зарур. Талабанинг интилишига устознинг машаққатли меҳнати ҳам қўйилса, фаолият янада самарали бўлади. Факултетимиз профессор-ўқитувчилари шу мақсад йўлида ҳаракат қилишмоқда.

— Фахрий журналистларни соҳанинг таянчи дейиш мумкин. Уларнинг билим ва тажрибасидан талабаларни баҳраманд қилиш ҳамда устоз-шогирд аънаъасини давом эттириш салоҳияти кадрлар тайёрлашда муҳим омилдир. Мазкур аънаъа факултетда қай тарзда амалга оширил-

моқда. Устознинг ўғитишига эмас, қилган ишларини зикр қилиб, идрок этиш ҳам бўлажак журналист учун катта мактаб. Тарихда устозлар илму ижод ботида ҳаммаш ўрнатқ бўлиб келган. Мен ҳам «Ўқитувчи» наشريётининг собиқ ходими сифатида фахрий устозларнинг

кадрини яхши биламан. Шундай ривоят бор: «Искандардан: «Сен устозингни ота-онангдан кўра кўпроқ хурмат қилар эмишсан. Шу ростми? — деб сўрашди. — Ҳа, — деб жавоб берибди Искандар, — ота-онам менинг руҳимни жисмим туйғули эрга туширди, устозим эса ердан кўкка олиб чиқди». Катта авлод тарбия ва таълимнинг асоси, айниқса, талаба учун катта ҳазина.

Фахрийлар билан талабаларни боғлайдиган биринчи омили нашриётлар, газета ва журнал таҳририятлари билан мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилишидир. Яқинда «Гулистон» журналы жамоаси билан учрашув уюштирдик. Натижа кутилгандан ҳам аъло бўлди. Иккинчи омили — тажрибали журналистларни ўқув жараёнига жалб этишдан иборат. Аҳмадjon Мелибоев, Қаримjon Рихсиев сингари суяги матбуот тизимига қотган, катта тажриба ва билимга эга қалам аҳлидан айтилган Давлат фойдаланяимиз. Улар ташкил қилган «Маҳорат мактаби» яхши самара берапти. Аҳмадjon Мелибоев мактаби «Журналист» ўқув газетасини чиқарди. Талабаларда ўз-ўзига ишонч пайдо бўлди. Амалга-тичи устозларнинг билими билан тажрибаси уйғунлашганда, талаба кўпроқ манфаат кўраркан. Аънаъа телевидение ва радио соҳасида ҳам давом этмоқда.

— Соҳа ривожига замонавий техниканинг ўрни ҳақида тўхталсангиз.

— Замон фақат олға юради. Бир кун келиб, журналистнинг рўқчаси билан ён дафтари музейлардан ўрин олиши мумкин. Бу билан мен техника журналистика соҳасини тўлиқ эгаллаб олишини назарда тутяпман. Илгари радиожурналистика учун диктофон муҳим восита эди. Бугун оддий қуролга айланб қолди. Юганни Гутенберг матнини кўп нусхада чоп этишни бошлаб берганда, унинг кашифоти ахборот махсулотларини тарқатиш бўйича мисли қўрилмаган янгилик бўлди. Бугун эса оддий ҳол.

Техника воситаларини ўқув жараёнига олиб киришни давр тақозо қилмоқда. Эскирганга эҳтиёж қолмади, янгисига талаб

ортмоқда. Интернет журналистика — эҳтиёж ортиб бораётган ана шундай соҳадир. Факултетимизда бундан уч йил олдин ташкил бўлган интернет журналистика кафедраси, ахборот ресурс маркази мавжуд. Гап фақат буларнинг мавжудлигига эмас, балки интернет журналистиканинг мавқеи ва имкониятларига талабалар катта қизиқиш билан қараётганида.

Аммо бир нарсадан хушёр бўлишимиз керак: биз интернетнинг иҳтиёрида эмас, интернет бизнинг иҳтиёрида бўлиши керак. Акс ҳолда, бўлажак журналистларни интернетдаги ноҳолис, ҳақиқатдан кўра шов-шувларга тўла материаллар ўзига жалб этиб, журналистнинг ижодий имкониятларига таъсир этиши мумкин.

— Муаммолар...

— Муаммони илға тўсиқ деб эмас, балки олға юришимиз учун бир восита деб қарашимиз керак. Улар олдимизда қўндалан бўлар экан, албатта, бартараф этиш йўллариини излаймиз. Вазиятдан чиқиш имкониятларини қидирамиз. 2006 йили юқорида айтилган Давлат дастури эълон қилинган, кўп ишлар қилинди: дарслик ва қўлланмалар ёзилиб, чоп этилди. Ўқув жараёнининг сифатига алоҳида эътибор қаратилди. Хуллас, қилинган ишлар кўп. Қилишимиз керак бўлган ишларимиз ҳам бир талай. Биринчидан, Давлат дастурида «Оммавий ахборот воситалари социологияси», «Оммавий ахборот воситалари психологияси» йўналишлари бўйича кафедралар ва магистратура очиб режалаштирилган, ахборот психология хавфсизлиги йўналиши бўйича ҳам магистратура очиб кўзда тутилган. Қолаверса, очқ ахборот тизимларида ахборот психология хавфсизлиги масалалари олий ўқув юрталарининг ижтимоий гуманитар факултетларининг ўқув дастурига киритилиши тўғрисида Давлат дастурида алоҳида банд бор. Бу муаммолар ҳам ўз ечимини топса, жаҳон талабаларига мос кадрларни тайёрлашга йўл очилади.

«Ishonch» муҳбири Шерзод АБДУСАМАНОВ сўхбатлади



Конституция шахсининг ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қиладиган, унга мажбурият юклайдиган қонун-қоидалар мажмуасидир. Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Асосий Қонунимизда шахсининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Мажбурият — ўз ҳуқуқини талаб қиладиган шахсининг маълум қонун-қоидаларни бажариши. Асосий Қонунимизга кўра, фуқаронинг мажбуриятларидан бири атроф-муҳитни тоза сақлашдир.

# Конституция: Атроф-муҳит ва келажак

Қомусимизнинг фуқаро зиммасига юклаган ушбу мажбурият бугунги ва эртанги табиат учун хавфсиз ва самарали эко ҳаётни таъминлашдир. Табиат ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, инсон ва жамият унинг ҳосиласи ҳисобланади. Инсон табиатдан ҳаво, сув, озиқ-овқат, турли минераллар, ёнилғи ҳам ашёларини олади ва эҳтиёжларини қондиради.

Инсон кўли етган жой унинг манфаатларига хизмат қилиши учун мослаштирилади. Инсон манфаатлари чексиз бўлгани боис шундай мослаштиришнинг чеки бўлмайди. Бу, ўз навбатида, табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатнинг шаклланишига олиб келади. Табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабат қонунлари бузилиши эса эртани-кечми экологик инқирозга олиб келиши мумкин.

Соғлом экологик муҳитни талаб қилиш ҳар бир шахсининг конституциявий ҳуқуқи бўлиши билан бир қаторда, уни таъминлаш, муҳофаза қилиш мажбурияти ҳамдир. 54-моддада белгиланишича, «Мулкдор мулкига ўз хоҳишига эгалик қиладди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказ-

маслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўрилган манфаатларини бузмаслиги шарт». Конституцияимиз соғлом жамиятни тарбиялашга қаратилган қонунлар мажмуаси ҳамдир. 64-моддада «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгузларига қадар боқиш ва тарбиялаш-рини қондиради.

## Табиат — она

га мажбурдирлар», деб ёзиб қўйилган. Бундан келиб чиқадикки, фарзандни вояга етказишда унинг тарбиясига масъул ҳар бир шахс фарзанди учун соғлом муҳитни таъминлаб, бола шуурда кўлаб ижобий ҳислатларни шакллантириши лозим.

Инсоннинг табиат билан муносабати ўсиб келаётган фарзандлари тарбиясига у ёки бу даражада таъсир кўрсатиши айнаи ҳақиқат. Яъни боғбоннинг ўзи ўтказган ниҳолларини турли зараркунанда, шамолу довулардан асраб-авайлаб парвариш қилиши, уни кузатиб турган бола онгда наботот оламига, қолаверса, атрофдаги бутун бориққа нисбатан меҳр туйғусини ўстирса, дарахтнинг буталарини ўтин қилиш иилинжида

қўлида чарчланган болта билан шафқатсизларча чоплаётган кишининг ҳаракати ана шу болакай шуурда: «Дарахтни кесиб керак экан-да», деган тушунчани шакллантириши шубҳасиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам болакай воқеликни тўғридан-тўғри қабул қиладди.

Юқорида билдирилган фикр шахсининг атрофдагиларга нисбатан ижобий ёки салбий муносабати гўдакликдан бошланганига ҳаётий бир мисолдир. Шундай экан, атрофимиздаги табиий муҳитнинг ифлосланишига олиб келадиган барча омилларни бартараф этишда бевосита ўз ҳиссамизни қўйишимиз лозим. Бу эзгу ишнинг амалга ошириш учун ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган уй-жой, кўчамизни озода тутишимиз, атрофимизни ободонлаштириб, кўкаламзорлаштиришимиз керак.

Албатта, атроф-муҳитимизнинг тоза, кўркам бўлиши, ҳеч шубҳасиз, барчамизнинг баҳри дилимизни очади, қолаверса, ўсиб келаётган келажак авлодларимизни жисмонан ва маънан соғлом бўлиб етилишига замин яратади.

Ахрор ЭРГАШЕВ,  
Республика  
Маънавий-тарғибот  
маркази масъул ходими

# Журналистлик — масъулият, истеъдод ва қобилият мужассамлашувидир

дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети декани, филология фанлари доктори, профессор Насимхон РАҲМОНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда) — Бугунги кунда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини эркин ифода этадиган, юқори савияли, билимдон журналистларга талаб катта. Сиз раҳбарлик қилаётган факултет айнаи шу талаб асосида иш қўради. Мустақиллик даврида юқсак салоҳияти кадрлар тайёрлаш бўйича қандай йутқарга эришилди?

— «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида журналист фикр-мулоҳазаларини оммавий ахборот воситаларида эркин баён қилиш ҳуқуқига эгалиги таъкидланган. Бунинг учун замондан бир қадам олдинда юриш, воқеа-ҳодисани теран аниқлаш талаб этилади. Айниқса, бўлажак журналист учун бу муҳим.

Концепцияда ҳам қабул қилинажак қонунлар мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва плюрализмни таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бўлажак журналист учун бу ҳам мажбурият, ҳам масъулият, ҳам имконият. Журналистлик, назаримда, фақат касб эмас, балки масъулият, истеъдод ва қобилият туташган нўқтада шаклланидиган аъмол. Журналист, билиб бўлдим, энди ўрганишга ўрин қолмади, деган фикрдан тамомла йироқ бўлиши керак. Акс ҳолда, унинг истеъдоди сўна бошлайди.

Юқорида тўғри айтдингиз: юқори савияли, билимдон мутахассисларга талаб катта. Мустақиллик кадрлар тайёрлаш

борасида катта имкониятлар берди. Миллий журналистиканинг мазмунини ўзгарди, иқтидор, лаёқатга эътибор қаратиладиган бўлди. Биринчи навбатда, журналистика соҳасидаги ўқиш-ўқитиш ишлари қайта қўриб чиқилди, мутахассислик фанларига кўпроқ эътибор қаратилди. Иккинчидан, оммавий ахборот таҳририятлари билан мустақкам алоқалар ўрнаштирилиб, талабаларнинг амалиёт ўташи ва назарий билимларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиши учун кенг имкониятлар яратилди. Учунчидан, Ўзбекистон ҳуқуқоти «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури» ишлаб чиқилди. Бу дастур журналист кадрлар тайёрлаш янада яхшилаш борасида кўп ишларни амалга ошириш учун йўл очди. Дастур бўйича, факултет алоҳида бино билан таъминланиб, ўқув фотостудия, телестудия ва радиостудияларнинг замонавий жиҳозларига эътибор қаратилди. Умуман, бўлажак журналистларнинг ўқув билим олишлари учун етарли имконият яратилди.

Бўлажак журналистадаги истеъдод ва лаёқатга катта мақсадлар иштиёқи ҳам қўйилса, натижа кўнгилдагидай бўлади. Мақсадга эришиш учун эса интилиш зарур. Талабанинг интилишига устознинг машаққатли меҳнати ҳам қўйилса, фаолият янада самарали бўлади. Факултетимиз профессор-ўқитувчилари шу мақсад йўлида ҳаракат қилишмоқда.

— Фахрий журналистларни соҳанинг таянчи дейиш мумкин. Уларнинг билим ва тажрибасидан талабаларни баҳраманд қилиш ҳамда устоз-шогирд аънаъасини давом эттириш салоҳияти кадрлар тайёрлашда муҳим омилдир. Мазкур аънаъа факултетда қай тарзда амалга оширил-

моқда. Устознинг ўғитишига эмас, қилган ишларини зикр қилиб, идрок этиш ҳам бўлажак журналист учун катта мактаб. Тарихда устозлар илму ижод ботида ҳаммаш ўрнатқ бўлиб келган. Мен ҳам «Ўқитувчи» наشريётининг собиқ ходими сифатида фахрий устозларнинг

кадрини яхши биламан. Шундай ривоят бор: «Искандардан: «Сен устозингни ота-онангдан кўра кўпроқ хурмат қилар эмишсан. Шу ростми? — деб сўрашди. — Ҳа, — деб жавоб берибди Искандар, — ота-онам менинг руҳимни жисмим туйғули эрга туширди, устозим эса ердан кўкка олиб чиқди». Катта авлод тарбия ва таълимнинг асоси, айниқса, талаба учун катта ҳазина.

Фахрийлар билан талабаларни боғлайдиган биринчи омили нашриётлар, газета ва журнал таҳририятлари билан мунтазам учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилишидир. Яқинда «Гулистон» журналы жамоаси билан учрашув уюштирдик. Натижа кутилгандан ҳам аъло бўлди. Иккинчи омили — тажрибали журналистларни ўқув жараёнига жалб этишдан иборат. Аҳмадjon Мелибоев, Қаримjon Рихсиев сингари суяги матбуот тизимига қотган, катта тажриба ва билимга эга қалам аҳлидан айтилган Давлат фойдаланяимиз. Улар ташкил қилган «Маҳорат мактаби» яхши самара берапти. Аҳмадjon Мелибоев мактаби «Журналист» ўқув газетасини чиқарди. Талабаларда ўз-ўзига ишонч пайдо бўлди. Амалга-тичи устозларнинг билими билан тажрибаси уйғунлашганда, талаба кўпроқ манфаат кўраркан. Аънаъа телевидение ва радио соҳасида ҳам давом этмоқда.

— Соҳа ривожига замонавий техниканинг ўрни ҳақида тўхталсангиз.

— Замон фақат олға юради. Бир кун келиб, журналистнинг рўқчаси билан ён дафтари музейлардан ўрин олиши мумкин. Бу билан мен техника журналистика соҳасини тўлиқ эгаллаб олишини назарда тутяпман. Илгари радиожурналистика учун диктофон муҳим восита эди. Бугун оддий қуролга айланб қолди. Юганни Гутенберг матнини кўп нусхада чоп этишни бошлаб берганда, унинг кашифоти ахборот махсулотларини тарқатиш бўйича мисли қўрилмаган янгилик бўлди. Бугун эса оддий ҳол.

Техника воситаларини ўқув жараёнига олиб киришни давр тақозо қилмоқда. Эскирганга эҳтиёж қолмади, янгисига талаб

# Матбуот анжумани «Uzcity.uz» тақдимоти

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент Халқаро Вестминстр университети тсгаба ва етакчи мутахассислари томонидан «Ўзбекистонда кўчмас мулк бозори: тажриба, амалиёт ва янгиликлар» мавзусида матбуот анжумани ҳамда ризэлторлик фаолияти ўзасидан «uzcity.uz» сайти тақдимоти ташкил этилди. Сайтда Тошкент шаҳридаги кўчмас мулкни (уй-жой, офис ва

ҳокказо) ижарага ҳамда сотиб олишда анча қулайликлар мавжуд. У орқали шаҳарнинг исталган нўқтасидан уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектларини топишимиз мумкин. Муҳими, кўчмас мулкнинг ҳолати, шароитлари ҳақида тўлиқ маълумот, бозордаги вазият ва соҳага доир бошқа таҳлилий материаллар билан танишиш имконига эга бўла-

сиз. Кейинчалик республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги (Самарқанд, Навоий вилоятлари ва Фарғона водийси) кўчмас мулк объектиларини ҳам сайтга киритилиши кўзда тутилган. Тадбирда мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Акмал ЭРГАШЕВ

Фотокўргазма



Баркамол авлод маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида воёга етказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, ижод оламига кириб келаётганларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашда намуна кўрсатаётган ёшларимиз кўп. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети 4-босқич талабаси Назира Боймуродова ҳам ҳар соҳада ўрнатилган тенгдошларимиздан. Унинг «Баркамол авлод орзуси» номи шахсий фотокўргазма-си ҳам мазкур мақсадларни кўзлаб ташкил этилди.

Нафосат гулдastasи

қилиб, ўтмиш ва бугуннинг ҳаяжонли учрашувига гувоҳ бўласиз. — Суратларнинг бадий кучи шундаки, ундаги ўзбекона миллий руҳ қалбингизни жунбўшга келтиради, — деди кўргазмада сўзга чиққан ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад. — Назирани мен фотосанъаткор деб атаган бўлардим.

муҳаррири Абдуқолиқ Абдураззоқов, ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматов, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Моҳир Унлубей ва факултет ўқитувчи ва талабалари иштирок этиб, ёш ижодкорга оқ йўл тилади. Зеро, бу фотокўргазма санъат бўстони рағбати асарлари билан яна бир ижодкор дадил кириб келаётганидан дарак беради.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири



Суратларда акс этган миллий урф-одат ва қадриятларимиз жозибаси томошабинда соҳир кайфият уйғотади. Айниқса, беғубор болалик лаҳзалари, мовий осмон, табиат манзаралари кишини ўзига жалб қилади. «Болалик нигоҳи», «Бешик боласи», «Орзуга йўл», «Ҳаёт қувончлари» каби туркум асарларда бугунги авлод интилишлари намоён бўлади. Асарларни томоша

«Обуна — 2011»

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ўртага ташланган масалалар қаторида, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш билан боғлиқ масалалар жуда ўринлидир. Бу борада берилган эркинликлар журналистларимизнинг эл орасига янада чуқурроқ кириб боришлари учун хизмат қилиши шубҳасиз.

«Ishonch» биз билан!

Фаолиятимизни ривожлантиришда, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлишда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг тугган ўрни беқийс. Унда мамлакат тараққиётига айнан касба уюшма нигоҳи билан янада изчилроқ назар ташланади. Шунинг учун ҳар йили сезимли нашрларимизга барча бошлангич ташкилотларимизни обуна қилишга ҳаракат қиламиз. Севимли газетамизнинг келгуси йилларда янада бой, ўқилиши кўп учун баъзи тақлифлари ҳам баён этмоқчи эдим. Аввало, санъатимиз негизи саналган Навоий вилояти ҳудудида газета ижодкорлари ва мушаррайлар ўртасида учрашувлар ўтказилса, унда кенг жамоатчилик билан юзма-юз мулоқот йўлга қўйилса, нур устига нур бўлар эди.

Шунингдек, газета саҳифаларида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» кўрик-танлови каби «Энг яхши бошлангич ташкилот», «Энг фидойи етакчи» сингари рўнларни ёритиш ишлари йўлга қўйилса.

Зулайхо АЗИЗОВА, Навоий вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири

Фаолиятга кўмак

«Ўзметмашсаноат» касба уюшма кўмиталари раислари Тошкент шаҳар кенгаши томонидан тармоқ бошлангич ташкилотлар етакчиларининг ўқув-семинари ўтказилди.

Машгулотларда иштирокчилар мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар мазмун-моҳияти ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўлишди. Шаҳар маънавият-тарғибот маркази раҳбари, иқтисод фанлари доктори Иброҳим Абдуғаниев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида илгари сурилган асосий йўналишлар ҳамда Нью Йорк сафари чоғида мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида амалга оширган учрашувлари самараси, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» бўйича қилган маърузасида белгиланган вазифалар бўйича атрафлича тушунтириш берди.

Уқув-семинар давомида касба уюшма фаолларининг «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ижодкорлари билан мулоқоти бўлиб ўтди. Бош муҳаррир ўринбосари Довуд Мадиев нашрларнинг бугунги фаолият жараёни ва келгусида қўзлаган режалари ва бошқа масалалар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Айниқса, тил ва ижоднинг нозик қирралари мавзусида баён этилган қизиқарли фикрлар катнашчиларда катта таассурот қолдирди. Кенгаш раиси Шоикром Исроилов ҳам газеталарда касба уюшмалари фаолияти жонли акс этирилиётганлиги, турли мавзуда қизиқарли ва мазмунли мақолаларга ўрин берилётганлигини эътироф этди.

Ўз мухбиримиз


Ўқув-семинар

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2011 йил 13 январ кунни аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Циалковский кўчаси, 189-а-уйда жойлашган «O'zbekiston Respublikasi Prezidenti devoni Ishlar boshqarmasining qurilish birlashmasining kichik mexanizatsiya boshqarmasi» тасарруфидagi 1992й.и\ч, д\р 01/662ХАА, бошлангич нархи 2 203 418 сўм «ГАЗ-3102»; 1993й.и\ч, д\р 01/663ХАА, бошлангич нархи 2 088 273 сўм; 1996й.и\ч, д\р 01/661ХАА, бошлангич нархи 2 856 351 сўм бўлган; 1992й.и\ч, д\р 01/662ХАА, бошлангич нархи 2 125 074 сўм бўлган жами 3 та «ГАЗ-3102»; Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чорсу майдони, 21-уйда жойлашган «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси тасарруфидagi 2004й.и\ч, д\р 10АУ960, бошлангич нархи 2 769 453 сўм бўлган «НЕКСИЯ» русулими автотранспорт воситалари кўйилади.

Мақсад ортидаги ҳаловат

Шомурод Бердиқулов мактабда муаллимларидан «математика — фанлар подшоҳи» деган гапни кўп эшитганди. Шу сабабми, бу фанга қизиқиши ортиб борди. У аввалига Самарқанд Давлат университетининг математика факултетида ўқиди. Сўнгра Тошкентга йўл олди. Асосий мақсади математика соҳасидаги билимини янада чуқурроқ ўзлаштириш, қолаверса, илмий иш қилиш эди.



Тўйхат ўрнида

1976 йилда ЎзФанинг Кибернетика институтига «Хисоблаш математикаси» йўналиши бўйича аспирантурага ўқишга кирди. Устози академик Ф.Абдулҳалимов соҳа сирларини пухта эгалаб берди. Илмий ишининг бир қисмини Ломоносов номидаги Москва Давлат университетидида бажарди. У ерда академик Р.Нигматуллин мактабидида билим ва тажрибасини оширди. Аспирантурани тугатгач, олий математиканинг дифференциал тенгламалари соҳасида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб физика-математика фанлари номзоди бўлди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касба уюшмаси Андижон вилояти кенгашининг бўлим мудири Улуғбек Жамоловга онаси МАТЛУБА аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Аҳдам ДАМИНОВ

Иқтидорли ёшлар

Театр — иккинчи уйим

«Ниҳол» мукофоти совриндори Маъсума Болтабоева билан суҳбат

Юртимизда ёшларга яратилган шайхона, берилган имконият туфайли янги-янги истеъодлар кашф этилмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз ҳам ана шундай интилувчан, ижодкор ёшлардан бири — Маъсума Болтабоева. — Санъат ҳаётига шунчалик чуқур кириб борганки, ундан бошқа соҳада ўзимни тасаввур қила олмайман, — дейди у. — 12 ёшимда Республика иختисослашган мусика академик лицейига қабул қилиндим. Ўзбекистон Давлат консерваториясида тўрт йил тахсил олдим. Таниқли устоз санъаткорлардан сабоқ олиб, улар билан бир сахнада кўшиқ ижро этиш бахти насиб этди. Санъатдаги орзуларимга аста-секин эришмоқдаман.



— Жорий йилда «Ниҳол» мукофоти билан тақдирландингиз. Шунча номзодлар орасидан айнан сизни муносиб топшиганининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? — Тинимсиз меҳнат, ўз устимда ишлаб, устозлар назарига тушганим, миллий руҳдаги ноларни куйлашим сабаб бўлгандир. Айниқса, Муяссар Раззоқова куйлаган «Кашмирда» кўшигини ижро этганимдан сўнг куйлаш мەхрини қозондим. Муяссар Раззоқова ҳам «жуда яхши куйладингиз», дея баҳо берди. Бу мукофот менга, аввало, куч-ғайрат, ўзимга ишонч хиссини берди. Касбимга янада кўпроқ масъулият билан ёндашишга ундади. «Ниҳол» озми-кўпми меҳнатимизнинг давлат томонидан қадрланиши, рағбатлантирилиши белгисидир.

— Мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдалана олаётган деб ўйлайсиз? — Дарҳақиқат, иқтидорли ёшларга билими, салоҳияти, қобилиятини кўрсатиш учун барча эшиклар очик. Биргина санъат соҳасини олсак, Ўзбек йигит-қизлари жаҳон саҳналарига куйламоқда. Мен ҳам яратилган имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқдаман. 2007 йилда Назира Аҳмедова номидаги аёл хонандалар республика кўрик-танловида, 2009 йили халқаро аёл хонандалар танловида иштирок этдим. Бу йил эса «Ниҳол» мукофоти соҳибаси бўлдим. Яқинда Қозғистоннинг Ақтобе шаҳрида бўлиб ўтган халқ чолғулари ансамбли халқаро фестивалида қатнашиб, фахрий ёрлик билан тақдирландим. Буларнинг барчасига ёшларга берилган эътибор сабаб эришдим, деб ҳисоблайман.

— Айни дамда нима билан машғулсиз? — Ҳозир Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида солист хонанда сифатида фаолият юрятилган. Бу ерда ҳар бир опера олдидан қаттиқ тайёргарлик қўрилади, образлар устида ишланади. Мукаммал саҳна асарлари яратилиши баробарида овоз имкониятларини кенгайтириб, тажрибамиз ошиб боради. Шу театр саҳнасида «Севим самоси» (Мустафо Фаёлов) операсида Хулжар, «Майсаранинг иши» (Сулаймон Юдаков)да Ойхон, «Травинга» (Д.Верди)да Аннина образини ижро этдим. Хуллас, маза қилиб ишлаяпман, куйлаяпман. Театр иккинчи уйимга айланган.

ЎзДЖТУ талабаси Шохсанам НИЁЗОВА суҳбатлашди

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Giving life to a person) featuring 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi' and 'Bosh muharrir: Abdusolih Abdurazzoqov'. It lists various departments and contact information.